

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМАРДОНОВ ЗОХИД ШУКУРИЛЛАЕВИЧ

ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БЎЛАЖАК
ОФИЦЕРЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд–2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of the doctor of philosophy
(PhD) on pedagogical sciences**

Алимардонов Зоҳид Шуқуруллаевич
Олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий
компетентлигини такомиллаштириш.....3

Алимардонов Зоҳид Шуқуруллаевич
Совершенствование профессиональной компетентности будущих
офицеров в высших военных образовательных учреждениях.....23

Alimardonov Zoxid Shukurillaevich
Improving of professional competence of the future officers in higher military
education institutions.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works50

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМАРДОНОВ ЗОХИД ШУКУРИЛЛАЕВИЧ

ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БЎЛАЖАК
ОФИЦЕРЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд–2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Ped263 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мусурманова Айниса Мусурмановна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шодиев Нарзиқул Шодиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Самаров Рустам Садриддинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.А.Файзиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳарбий таълим соҳасига замонавий билим, илғор хорижий тажрибалар, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро миқёсда ҳарбийларнинг компетентлик даражасини ривожлантириш ва баҳолаш стратегик аҳамият касб этиб, ҳарбий таълим тизимини модернизациялаш, ижтимоий муҳит талабларига интеграциялаш, компетенцияларга асосланган давлат таълим стандартларини жорий этиш, олий ҳарбий таълим муассасаларида таълим жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи илғор инновацион механизмларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда бўлажак офицерларнинг халқаро стандартлар асосида касбий компетентлигини ривожлантириш, уларда стратегик мобиллик, ҳарбий ватанпарварлик, миллатлараро бағрикенглик, толерантлик тафаккурини ҳамда ижодий фикрлашни ривожлантириш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш ҳарбий таълим тизимини модернизациялаш, энг илғор инновацион ёндашувларга асосланган давлат таълим стандартларини жорий этиш, ўқув жараёнига замонавий педагогик технологияларни тадбиқ этиш ва ахборот-коммуникация технологияларнинг имкониятларидан кенг кўламда фойдаланишни янги сифат даражасига кўтаришни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотлар туфайли Қуролли Кучларимиз учун юқори малакали мутахассисларни, юксак интеллектуал, маънавий-ахлоқий салоҳиятга эга бўлган офицер кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Айни вақтда, айтиш жоизки, кўрилаётган чоратадбирларга қарамасдан, ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизими замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди. ...ҳарбий ўқув юртларида замонавий шарт-шароитларни хўжакўрсинга яратганимиз йўқ. ...Аксинча, курсантларимиз ва тингловчиларимиз таълим соҳасида энг илғор, инновацион билим ва кўникмаларга эга бўлиши зарур. Мана, бизнинг асосий мақсадимиз”¹. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам “олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш, фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш, давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш”² каби муҳим вазифалар белгиланган.

¹ Ш.Мирзиёев. Хавфсизлик кенгаши мажлисидаги “Қуролли кучларимиз – мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг мустаҳкам кафолатидир” мавзусидаги нутқи. //—Халқ сўзи газетаси. 2018 йил, №3.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898-сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сон “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ва мазкур фаолиятга доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳарбий хизматчиларни тарбиялашнинг фалсафий, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатлари С.Ю.Аҳроров, И.Ю.Иноятов, А.М.Камбаров, С.О.Отамуродов, Р.С.Самаров, А.Сотиволдиев, У.С.Темирова Н.Ж.Эшнаев каби файласуф, ҳуқуқшунос, социолог олимлар томонидан тадқиқ этилган³.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан В.М.Азарова, В.А.Глебов, А.И.Козачок, А.В.Кутузов, Д.В.Мещеряков, О.Б.Сухановлар ҳарбий хизматчиларни касбий тайёрлаш муаммосини педагогик, А.А.Бодалев, О.Е.Гаврилова, Н.В.Гришина, В.Г.Михайловский, Я.В.Подольяк, А.В.Тарасовалар психологик жиҳатдан ўрганилган⁴.

Олий таълим муассасаларида таълимни интенсивлаштириш ҳамда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан таълим жараёнида фойдаланиш, узлуксиз таълим муассасалари ўқитувчиларининг компетенцияси ва унга қўйиладиган дидактик талабларнинг илмий-назарий асослари ўзбекистонлик олимлар У.Ш.Бегимкулов, Р.Ҳ.Джўраев, Р.Г.Исянов,

³ Аҳроров С.Ю. Ҳарбий хизматчилар шахсида девиант хулқ намоён бўлишининг ижтимоий хусусиятлари. Соц. фан. ном. дисс... -Тошкент: ЎзМУ, 2008. -180 б. Самаров Р.С. Қуролли кучлар тизимининг феминизациялашуви: ривожланишнинг ўзига хослиги ва ижтимоий механизми. (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мисолида). Фалсафа фан. докт. дисс... – Тошкент: ЎзМУ, 2005. – 346 б. Темирова У.С. Ҳарбий хизматчи хотин-қизларни касбий фаолияти самарадорлигини оширишнинг тарбиявий омиллари. Педагогика фанлари номзоди. дисс...- Республика «оила» илмий-амалий маркази, 2008. -144 б. Эшнаев Н.Ж. Ўзбекистон Республикасида профессионал ҳарбий кадрларни тайёрлашнинг ижтимоий-фалсафий асослари. Фалсафа фанлари ном. дисс...-Тошкент: И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2008. -164 б.

⁴ Азарова В.М. Патриотическое воспитание военнослужащих Вооруженных Сил Российской Федерации в 1992-2000 гг. Дисс. ...док. ист.наук. –Москва, 2004. – 217 с. Глебов В.А. Сущность профессиональных компетенций курсантов военного вуза //Современные проблемы науки и образования. –2013. №5.-С.23-26. Мещеряков Д.В. Идентификация компетенций выпускника военного вуза / Д.В. Мещеряков // Вестник Тамбовского государственного университета. Серия: гуманитарные науки. – 2012. – № 10(114). – С. 165-170. Гаврилова О.Е. Формирование профессиональных компетенций студентов - будущих специалистов швейного производства в условиях образовательного кластера: дисс. ... канд. пед. наук. – Казань, 2011. – С. 257;

Н.А.Муслимов, О.М.Мусурманова, М.Б.Уразова, Н.Ж.Исакулова, Э.Р.Юзликаева, Ш.С.Шарипов, Ш.А.Акрамовалар томонидан тадқиқ этилган⁵.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.А.Башлакова, В.Н.Герасимов, О.В.Добровольсков, В.А.Жильцов, А.И.Захаров, А.К.Киселев ва В.В.Юдинларнинг педагогик тадқиқотларида ҳарбий кадрларни танлаш, мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги, кўникма ва малакаларини шакллантириш муаммолари тадқиқ қилинган⁶.

Хорижлик олимлардан D.Raeven, Y.Doll, J.Dewey, R.J Mirabile, В.Н.Spitzbergлар томонидан компетентлик ва компетенциялар тушунчалари, уларнинг умумий назарий жиҳатлари ёритилган⁷.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтининг “Ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшлар билан ишлаш бўйича чора-тадбирлар” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг умумкасбий соҳага йўналтирилган компетенцияси мазмун-моҳияти, педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш;

бўлажак офицерларнинг ҳозирги замон талабларига мос равишда касбий компетентлиги тузилмаси мазмунини такомиллаштириш;

олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш;

инновацион ёндашув асосида бўлажак офицерлар касбий компетентлигининг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш;

бўлажак офицерларда касбий компетентликнинг такомиллашганлик даражасини баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини аниқлаш, жараён

⁵ Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Пед.фан.док. ... дисс. -Т.: 2007. -305 б. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013. - 128 б. Мусурманова О. // Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари: Респ. илмий-амалий анжумани материаллари. –Тошкент, Низомий номидаги ТДПУ, 2013. – Б. 112-118.

⁶ Башлакова А.А. Военная педагогика: учебное пособие: для слушателей и курсантов военных вузов / под общ. ред. А.А. Башлакова. – М.: Красная звезда, 2008. – 490 с. Добровольсков О.В. Научно-исследовательская деятельность курсантов как фактор профессионального становления офицера: дис. ... канд. пед. наук: 13.00.08 / Добровольсков Олег Вячеславович. – Ульяновск, 2011. – 372 с. Жильцов В.А. Психологическая диагностика профессиональной пригодности граждан, поступающих на военную службу по контракту. Автореф. дисс.. канд. психо. наук. – М.: ВУ. 2000. – С. 21.

⁷ Raeven D, B., & Martin, M. M. (1994). Development of a measure of interpersonal communication competence. *Communication Research Reports*, 11, 33-44.doi:10.1080/08824099409359938/. Doll, Y. (2007). U.S. Army women general officers and their strategies for ascension. *International Journal of Business Strategy*, VII(3), 1-10.

самарадорлигини оширишга қаратилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш жараёни этиб белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш жараёнини ташкил этишнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий-таққослаш, педагогик кузатув, сўровлар, суҳбат, анкета, тест, интервью, педагогик эксперимент ва математик-статистик таҳлил ҳамда тажриба-синов методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак офицерларнинг умумкасбий ва соҳага йўналтирилган компетенциялар тизими ҳарбий-касбий тайёргарлик босқичларига оид замонавий талаблар ҳамда интеллектуал, иродавий ва эмоционал сифат элементлари мазмунини очиб бериш асосида аниқлаштирилган;

бўлажак офицерлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий педагогик шарт-шароитлари рефлексив бошқарув омиллари (ҳарбий-педагогик, технологик, диагностик ва касбий)нинг ўзаро интеграциялашув жараёнларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

касбий компетентликни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминоти интегратив-ижодий топшириқлар, визуал симуляция (тасвири, намоёни, интерфейсли) ва интерактив моделлаштириш имкониятлари ва амалий-технологик хусусиятларини белгилаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак офицерларда касбий компетентлик даражасини баҳолаш мезонлари ва диагностик технологиялари параметри таркибига ҳарбий акмеологик индикаторлар тизими (мустақил ўзини ўзи касбий ва шахсий ривожлантиришга оид)ни киритиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“компетентли офицер”, “офицернинг касбий компетентлиги” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти муаллифлик ёндашуви асосида педагогик жиҳатдан талқин қилинган;

олий ҳарбий таълим муассасалари ДТСларида умумкасбий-педагогик таълим соҳаси бўйича бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигига қўйиладиган малака талаблари такомиллаштирилган;

олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқитиладиган “Умумий ҳарбий тайёргарлик”, “Ҳарбий ва бошқарув психологияси” ҳамда “Ҳарбий психология ва педагогика” ўқув фанларининг ишчи ўқув дастурлари ҳамда ўқув-методик мажмуалари компетенция талаблари асосида такомиллаштирилган;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш учун “Буюк саркардалар ҳарбий маҳоратини ўрганиш бўйича Марказ”нинг тузилмавий-функционал асослари ва фаолият мазмуни қиёсий-тарихий тамойил асосида ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижаларига асосан олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш мақсадида “Умумий ҳарбий тайёргарлик” номли дарслик, шунингдек, “Ахборот коммуникацион технологиялар” номли ўқув қўлланма яратилиб амалиётга татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришга йўналтирилган муайян педагогик мазмун, касбий компетентлик даражасини белгиловчи индикаторлар, жараён модели, ушбу моделнинг ҳарбий педагогик асослари, уни амалиётда қўллашнинг педагогик шарт-шароитлари ишлаб чиқилганлиги ҳамда таклиф ва тавсиялардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган модель, таянч, шахсий компетенциялар тизимидан ҳарбий соҳаларда мутахассисларни тайёрлашда фойдаланилиши мумкинлиги, шунингдек, ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшлар билан ишлаш бўйича бошлиқ ўринбосарлари иш тажрибасини бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак офицерларнинг умумкасбий ва соҳага йўналтирилган компетенциялар тизими ҳарбий-касбий тайёргарлик босқичларига оид замонавий талаблар ҳамда интеллектуал, иродавий ва эмоционал сифат элементлари мазмунига оид таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2015 йил 22 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасалари учун давлат таълим стандартларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 96-сон буйруғининг 5.2-, 7.1- ва 7.2-бандларини (Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 17 сентябрдаги 2/3450-сон маълумотномаси) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июлдаги 05-961-сон қўшма қарори билан тасдиқланган “Ҳарбий таълим” таълим йўналишининг

давлат таълим стандартларининг 2.2-, 3.2-, 4.2- ва 5.2-бандларини (Мудофаа вазирлигининг 2018 йил 19 ноябрдаги 10/3070-сон маълумотномаси) шакллантиришда фойдаланилган. Мазкур давлат таълим стандартлари олий ҳарбий таълим муассасалари ўқув режалари ва дастурлари, методик таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган;

бўлажак офицерлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий педагогик шарт-шароитлари рефлексив бошқарув омилларининг ўзаро интеграциялашув жараёнига оид таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси кўмондонининг 2017 йил 6 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти учун Олий таълимнинг давлат таълим стандартини тасдиқлаш ва амалга киритиш тўғрисида”ги 67-сон буйруғи билан тасдиқланган давлат таълим стандартининг 4.1-, 5.2-, 5.3-, 6.2-, 7.1-, 7.2-бандларини (Миллий гвардиянинг 2018 йил 5 октябрдаги 5069-сон маълумотномаси) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 17 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти учун Олий таълимнинг давлат таълим стандартини, ўқитиладиган мутахассисликларнинг малака талабларини ҳамда ўқув режаларини тасдиқлаш ва амалга киритиш тўғрисида”ги 149-сон буйруғининг 2.1- ва 2.2-бандларини (Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 17 сентябрдаги 2/3450-сон маълумотномаси) шакллантиришда фойдаланилган. Ушбу меъёрий ҳужжатлар асосида Ҳарбий-техник институт ҳузурида “Буюк саркардалар ҳарбий маҳоратини ўрганиш бўйича Марказ”ни ташкил этиш, унинг тузулмавий-функционал асослари, фаолият мазмуни ишлаб чиқиш, бўлажак офицерларнинг касбий компетентлиги фан ва технологияларнинг замонавий ютуқлари асосида такомиллаштириш имконияти кенгайтирилган;

касбий компетентликни ривожлантиришнинг ахборот-методик таъминоти интегртив-ижодий топшириқлар, визуал симуляция (тасвирли, намоёни, интерфейсли) ва интерактив моделлаштириш имкониятлари ва амалий-технологик хусусиятларини такомиллаштиришга оид ишламалари асосида “Умумий ҳарбий тайёргарлик” дарслиги ХДФУ (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Кенгашида йиғилишида маъқулланган 2018 йил 20 мартдаги 3-сон баённомаси) ҳамда “Ахборот коммуникацион технологиялар” ўқув қўлланма ишлаб чиқилган ва олий ҳарбий таълим муассасалари ўқув жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 майдаги 531-буйруғи, 531-313 гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг 2018 йил 5 октябрдаги 5069-сон ҳамда Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 17 сентябрдаги 2/3450-сон маълумотномалари). Мазкур ўқув материаллари олий ҳарбий таълим муассасалари ўқув-методик таъминотини интегртив-ижодий топшириқлар ва интегртив моделлаштириш асосида такомиллаштиришга хизмат қилган;

бўлажак офицерларда касбий компетентлик даражасини баҳолаш мезонлари ва диагностик технологиялари параметри таркибига ҳарбий акмеологик индикаторлар тизими (мустақил ўзини ўзи касбий ва шахсий

ривожлантиришга оид)ни киритишга оид таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг 2017 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ўқитиладиган мутахассисликлар учун малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 95-сон буйруғи билан тасдиқланган “Умумий ҳарбий тайёргарлик”, “Ҳарбий психология ва педагогика” ҳамда “Ҳарбий ва бошқарув психологияси” ўқув фанларининг мазмуни ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг 2018 йил 5 октябрдаги 5069-сон маълумотномаси). Мазкур ўқув мазмуни бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигига қўйиладиган талаблар доирасида замонавий билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш, ўқитиш ёндашувларини лойиҳалаш, курсантларнинг мустақил тайёргарлик, малакавий амалиётини самарали ташкил этишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 21 та, шундан 2 та халқаро ва 19 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 7та, (шу жумладан, хорижий илмий журналларда 2 та) 19 та илмий-назарий конференция ва илмий мақолалар тўпламларида мақола ва тезислар тарзида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 153 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг долзарб йўналишлари, мазмуни, ушбу жараённинг самарадорлигига таъсир қилувчи асосий омиллар ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги, шунингдек, бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати ёритиб берилган.

Ҳарбий таълим жараёнини модернизация қилишнинг истиқболли йўналиши бўлажак офицерлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг самарали механизмларини аниқлаш ва амалиётга жорий этиш билан боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг назарий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш орқали касбий тайёргарлик даражасини ошириш, креатив тафаккур тарзини қарор топтириш мазкур соҳадаги замонавий тенденциялардан бири сифатида қаралмоқда.

Назарий манбалар таҳлили шуни кўрсатдики, касбий компетентлик ва уни ривожлантириш муаммоси кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида турли йўналишларда ўрганилган. Жумладан, олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш муаммоларининг методологик, психологик, дидактик ва услубий аспекти В.И.Байденко, А.Г.Бермус, А.А.Бодалев, Н.Н.Боритко, А.А.Вербицкий, Р.Исянов, Н.В.Кузьмина, И.И.Легостаев, А.А.Муралев, Э.Ғозиев, Н.М.Муслимов, О.М.Мусурманова, И.В.Петрова, А.М.Новикова, В.А.Сластенин, Ш.С.Шарипов, М.Б.Уразова, Б.Х.Ходжаев, А.Х.Махмудов ва бошқа олимларнинг ишларида ўрганилган. Мазкур тадқиқотларнинг аксарияти “билиш” концепциясини амалга оширишга асосланган бўлиб, уларда битирувчиларнинг когнитив фаоллик даражасини ривожлантиришга хизмат қилувчи билим ва кўникмаларнинг маълум бир жамланмаларини ўзлаштириш белгиланган.

Мазкур муаммо таърифларидан Н.М.Муслимов “компетенция – қобилият демакдир”, бироқ компетенция атамаси билим, кўникма, маҳорат ва қобилиятни ифода этишга ҳам хизмат қилади деб кўрсатган бўлса, А.Х.Махмудов “компетентлик – бу, бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир кўрсатувчи интегратив билим, кўникма ва малакаларнинг алоҳида қирраларини (когнитив компонент) ҳамда ижтимоий муҳим жиҳатларини (қабул қилинаётган қарорга тайёрлик, лаёқатлилиқ ва масъулиятлилиқ) қамраб олган шахснинг интегратив сифатидир (ижтимоий-психологик компонент)” дея изоҳлайди.

Н.В.Кузьминанинг нуқтаи назарига кўра, компетентлик – бу, йўналтирилган, уддалай олинадиган мотивациядир. А.М.Новикованинг фикрича, компетентлик муносабати – илғор жараён ҳисобланади. Бу олим томонидан илгари сурган ғоя – “хабардорлик” дан “ғайратли иш фаолиятига” ўтиш, яъни умумий ҳолда янги таълим парадигмасига ўтиш билан далилланади.

Ушбу илмий изланишларда бўлажак мутахассисларни тайёрлашда компетенциявий ёндашувининг методологик, дидактик, технологик, методик ва луғавий жиҳатлари ёритилган бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: касбий салоҳиятни шакллантиришга назарий ва услубий ёндашувларни ўрганиш; компетентлик ёндашувини амалга ошириш доирасида талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш; мутахассисларни тайёрлашда касбий компетенцияларнинг дидактик асосларини ишлаб чиқиш ва ҳ.к. Бироқ олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий сифатларини такомиллаштиришнинг педагогик ва психологик механизмлари етарлича ўрганилмаган. Ҳолбуки айни муаммо олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерлар касбий компетентлигининг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

Юқорида тилга олинган тадқиқотчиларнинг фикрларига таянган ҳолда, ушбу атама мазмун ва моҳиятини изоҳлашда қуйидаги хулосага келдик: “Компетентли офицер – юксак ҳарбий, касбий билимларни ўзида мужассамлаштирган, юқори даражада интеллектуал салоҳиятга эга, мукамал жисмоний тайёргарликдан ўтган, ғоявий жиҳатдан шаклланган, замонавий ҳарбий техника ва қуроллардан мақсадли фойдалана оладиган, ўз халқига, Президентига мислсиз садоқатли, Ватан шаъни ва қадр-қимматини доим ҳимоя қилувчи, кимга ва нима учун хизмат қилаётганлигини тўлиқ англаб етган профессионал шахсдир”.

Биз тадқиқотлар жараёнида, ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Россия, Германия, Хиндистон, Хитой, Франция ва бошқалар)нинг ушбу муаммо бўйича тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил этиш натижасида компетентлик кўп қиррали интегратив шахс кўрсаткичи эканлигини аниқлашга муваффақ бўлдик. Бунда мутахассиснинг билим, кўникма ва малакалари касбга доир сифатларини ўзида қамраб олувчи олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш модели таълим натижаси (эталон) сифатида кўлланилишини ҳамда ушбу модел натижаси (нимага эришилиши керак)нинг замонавий таълим тенденциялари сифатида қайд этилганини кўришимиз мумкин.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш даражасига сезиларли таъсир этувчи асосий омиллар (ҳарбий-педагогик, технологик, диагностик ва касбга тааллуқли) тизимли таҳлил асосида аниқланди. Ҳарбий-педагогик (аналитик ва ижодий фикрлашни ривожлантириш даражаси, махсус ҳарбий вазифалар ва тактик вазиятларни ҳал қилишда тўпланган тажриба, юқори даражадаги ўз-ўзини тартибга солиш, ўз-ўзини бошқариш ва касбий жавобгарлик); технологик (расмий, тезкор-тактик ва махсус вазифаларни режалаштира олиш тажрибаси; замонавий қурол-аслаҳалардан самарали фойдаланиш ва ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш кўникмалари); диагностик (жанговар ва яқка тартибда бажариладиган вазифалар сифатини объектив ва ишончли баҳолаш тизимидан фойдаланиш; тайёргарликнинг барча босқичларида касбий компетентликни такомиллаштиришнинг узлуксиз диагностикасини амалга ошириш; бўлажак офицерларнинг шахсий сифатларини ривожлантириш даражасини баҳолашда тест усулларида фойдаланиш ва бошқалар); муҳим хизмат вазифаси (бўлажак офицерларда психологик ва ахлоқий тарбиянинг юқори даражаси, маънавий-ахлоқий, кучли ирода ва ватанпарварлик фазилатлари; мулоқотчанлик, ижодкорликнинг зарур даражада ривожланганлиги ва бошқалар) шулар жумласидандир. Белгиланган асосий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсирининг баҳоланиши бўлажак офицерлар ўртасида касбий билимларни такомиллаштириш учун зарур педагогик ва психологик шарт-шароитларни яратишни таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан, бўлажак офицерларнинг касбий билимларини такомиллаштириш қуйидаги зарур педагогик ва психологик шартларни вужудга келтиради. Булар: замонавий фанлар бўйича махсус билим, кўникма

ва малакаларни эгаллашларида юқори даражадаги мотивацияни шакллантириш; бўлажак офицерларнинг мустақил ўзлаштириш фаолиятини фаоллаштириш имконини берувчи усулларни қўллаш; ҳарбий-касбий хизмат кўрсатишда муҳим шахсий сифатларини фаол ривожлантириш усул ва воситаларидан тўғри фойдаланиш; ташкилий бошқарув вазифаларини, турли касбий топшириқларни ва тезкор-тактик вазиятларни ҳал қилиш тажрибасини эгаллашда амалий тайёргарликнинг устуворлиги; замонавий усуллар ва дидактик воситалар, шунингдек, ахборот-коммуникацион технологиялар ва симуляцион дастур воситаларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш; бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришда ўқув-тарбиявий жараёни ижодий технологик жараён билан алмаштириш; бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш технологиясининг барча босқичларида узлуксиз ташхис тадбирларини амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида, ушбу вазифаларнинг амалиётда ҳал этилишига доир мавжуд аҳволни ўргандик ва таҳлил қилдик. Эмперик изланишлар шундан далолат бердики, олий ҳарбий таълим тизимидаги фан дастурлари ҳамда ишчи ўқув дастурлари бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришдаги муҳим аҳамият касб этади.


Шу боисдан, олий ҳарбий таълим муассасаларининг “Умумий ҳарбий тайёргарлик”, “Ҳарбий психология ва педагогика” ва “Ҳарбий ва бошқарув психологияси” фанларининг дастурлари, ишчи ўқув дастурлари ҳамда ўқув-услугий мажмуалари бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш юзасидан таҳлил этилди ва замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштирилди.

Диссертациянинг **“Олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг самарали шакл ва методлари”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлиги тузилмаси, олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерлар касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг тузилмавий-мазмунли модели ҳамда самарали шакл, метод ва воситалари тадқиқ этилган.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳарбий таълим тизимини, ҳарбий илм-фанни такомиллаштириш, замонавий талаблар ва жаҳон стандартларига мослаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш” деб номланган бешинчи йўналиши доирасида республиканинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда бўлажак офицерларнинг касбий-шахсий компетентлиги муҳим аҳамият касб этади. Мазкур жиҳатлар, ўз навбатида, олий ҳарбий таълим муассасалари олдида интеллектуал жиҳатдан етук, стратегик ва таҳлилий

фикрлашга қодир, касбий компетентлиги юқори даражада шаклланган офицерларни тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш билан боғлиқ устувор вазифаларни қўяди.

Илмий-педагогик таҳлиллар ва эмперик ўрганишларимиз, олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг мавжуд касбий тайёргарлик даражаси бугунги замонавий шароитда уларнинг касбий маҳорати ва компетентлигига қўйиладиган талаблар тизимига тўла мос келмаслигини кўрсатди. Шу боисдан, тадқиқотлар давомида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлиги тузилмаси аниқланди. Мазкур тузилмада бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш мазмуни таянч касбий компетенциялар (ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий), касбий-шахсий сифатлар (стратегик мобиллик, тезкор-тактик мослашувчанлик, ҳарбий эмоционал барқарорлик, толерантлик, ватанпарварлик) элементлари, ҳарбий-касбий компетенциялар, шунингдек, креативлик даражасини ўзида акс эттирувчи соҳага оид интеграл касбий кўникмаларнинг ўзаро алоқадорлигида такомиллашиб бориши тавсифланди (1-расм).




1-расм. Бўлажак офицерларнинг касбий компетентлиги тузилмаси

Бўлажак офицерлар касбий компетентлиги умумҳарбий фанлар мажмуасида, педагогик-психологик фанларни ўзлаштириш босқичларида, шунингдек, ижтимоий-сиёсий фанларни ўрганиш, тезкор ва тактик фанлар бўйича назарий ва амалий машғулотлар жараёнида ривожланиб боради. Бу жараёнда бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш тизими ва методологиясини узлуксиз равишда такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот доирасида бўлажак офицерлар касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг тузилмавий-мазмунли модели аниқлаштирилди (2-расм).

Мазкур тузилмавий-мазмунли модел учта блокдан иборат: мақсадга қаратилган блок, мазмунга оид блок, натижадорликни баҳолаш блоки.



2-расм. Бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг тузилмавий-мазмунли модели

Тадқиқотлар давомида ҳарбий мутахассисларни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган усул ва ёндашувлар, касбий билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилганлиги; таълим жараёнида репродуктив (эса сақлаб қолиш) фаолиятга хос мустақил вазифаларнинг қўлланилиши (бир вақтнинг ўзида касбий ижодкорликни талаб этиши); педагогик диагностика касбий компетенцияни такомиллаштириш даражасини аниқлашмаслиги ҳамда яқка тартибда индивидуаллаштирилган ижодий таълим даражасининг юқори эмаслигини кўрсатди. Шу боис, махсус педагогик-психологик шароитларга мослаштирилган, бўлажак офицерларнинг касбий компетенцияларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи креатив технологияларга асосланган методика таклиф этилди. Ушбу методика мазмунида бўлажак офицерлар касбий компетентлигини ўқув ва аудиториядан ташқари ишлар жараёнида муаммоли маърузалар, ижодий семинарлар, илмий лаборатория машғулоти, амалий машғулоти, симуляция ва моделлаштириш орқали ҳамда интегратив-ижодий топшириқлар тўплами воситасида, шунингдек, “Буюк саркардалар ҳарбий маҳоратини ўрганиш бўйича Марказ” фаолиятини ташкил этиш асосида такомиллаштиришни кўзда тутилади.

Диссертациянинг **“Олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг самарадорлик даражаси”** деб номланган учинчи бобида бўлажак офицерлар касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг тузилмавий-мазмунли моделини амалиётга жорий этиш асосидаги касбий компетентликнинг такомиллашганлик даражаси ва самарадорлиги тажриба-синов ишларининг натижалари таҳлилида акс эттирилган.

Тажриба-синов ишларини ташкил этиш объектлари сифатида учта олий ҳарбий таълим муассасаси: Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти (93 та курсант), Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти (116 та курсант), Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтидан (110 та курсант)лари танлаб олинди. Тажриба-синов ишларига жами 331 респондент жалб қилинган бўлиб, шулардан 12 нафари тажриба олиб борувчи ўқитувчиларни ташкил этди.

Тажриба-синов ишларининг мақсади мавжуд таълим технологияси асосида олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг самарадорлик даражасини аниқлашдан иборат этиб белгиланди. Тажриба-синов ишлари давомида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришга хизмат қилувчи муаммоли-таълимий маърузалар, ижодий семинарлар, симуляция ва моделлаштириш дастурлари ёрдамида тезкор тактик машқлар, интегратив-ижодий топшириқлар, диагностик ва коррекцион тадбирлар амалга оширилди. Тажриба-синов ишлари жараёнида бўлажак офицерлар касбий компетентлигининг квалитетик тизими аниқлаштирилди (3-жадвал).

Бўлажак офицерлар касбий компетентлигининг квалиметрик тизими

т/р	Индикатор номи	Индикатор мазмуни	Баҳолаш методи
I.	Таянч компетенцияларнинг такомиллашганлик даражасини белгиловчи индикаторлар		
1.1.	Соҳага оид норматив-меъёрий ҳужжатларни билиш	Сиёсий ва ҳуқуқий фанларни ўқиш жараёнида шаклланган БКМ	Сухбат, интервью гапирувчи карточкалар технологияси, вазиятли ҳамда муаммоли топшириқлар, тест ва ижодий имтиҳонлар
1.2.	Фуқароларнинг ҳуқуқи ва бурчлари	Ижтимоий фанларни ўқиш жараёнида шаклланган БКМ	
1.3.	Оилавий ҳуқуқ	Ижтимоий-ҳуқуқий фанларни ўқиш жараёнида шаклланган БКМ	
1.4.	Тарихий ва географик билимлар	Гуманитар фанларни ўқиш жараёнида шаклланган БКМ	
1.5.	Умуминсоний ва миллий қадриятлар	Гуманитар фанларни ўқиш жараёнида шаклланган БКМ	
1.6.	Эстетик ва ахлоқий билимлар	Гуманитар фанларни ўқиш жараёнида шаклланган БКМ	
1.7.	Экологик билимлар	Гуманитар фанларни ўқиш жараёнида шаклланган БКМ	
II.	Ҳарбий-касбий компетенцияларнинг такомиллашганлик даражасини белгиловчи индикаторлар		
2.1.	Ҳарбий БКМ	Ҳарбий фанларни ўқиш жараёнида шаклланган ҳарбий БКМ	Ҳарбий тактик дала машғулоти, ўқитишни табақалаштириш технологияси, интервью, репродуктив, ролли ўйин, методлари, вазиятли симуляция
2.2.	Касбий билимлар	Касбий фанларни ўқиш жараёнида шаклланган касбий БКМ	
2.3.	Психологик-педагогик билимлар	Психология ва педагогика фанларини ўқиш жараёнида шаклланган билимлар	
